



46

01 бу.г. «7» ноябр

№ 1348/ЕК

**Фуқаро Расулов Насруллога ҳожатхона ва савдо дўкони қуриш учун ер
майдони ажратиш тўғрисида**

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг баённомаси, Давлат геологик экспертизасининг хулосаси, ҳамда фуқаро Расулов Насруллонинг туман ҳокими номига ёзган аризасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг баённомаси ҳамда ер гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. МЧ «Конирил-агротехсервис» агрофирмаси ер харитасининг 7 контуридан Фуқаро Расулов Насруллога ҳожатхона ва савдо дўкони қуриш учун жами 190 кв.м (шундан: 190 кв.м туман захирасидаги қишлоқ хўжалигида йдаланмайдиган) ер майдони ажратилсин.

3. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2016 йил январ ҳолати ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (Ж. Хўжамуродов) ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З. Олимов)га топширилсин.

4. Ҳожатхона ва савдо дўкони бино-иншоотларини қуришдан олдин, Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8, 39 ва 54-моддаларига асосан қилган ҳолда, А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш вазифаси фуқаро Расулов Насруллога топширилсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ёрдамчи ўринбосари Қ. Курбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров